

## РИЗОУДДИН ИБН ФАХРИДДИННИНГ ИЖТИМОЙ-МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТИ

Гулнозахон Муҳаммад кизи Алижонова

Ўзбекистон Халқаро Ислом Академияси таянч докторанти

[gulnozaalijonova002@gmail.com](mailto:gulnozaalijonova002@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ризоуддин ибн Фахриддиннинг илмий-ижодий меъроси, олим фаолиятининг хориж ва ўзбек тадқиқотчилари томонидан ўрганилиши, у бош муҳаррирлик қилган “Шўро” журналида олимнинг ижтимоий-маърифий қарашларининг XIX аср охири XX аср бошларидаги Россия, жумладан Туркистон минтақасида тутган ўрни ҳақидаги масалалар очиқ берилган.

**Калит сўзлар:** Ризоуддин ибн Фахриддин, “Шўро” журнали, Жамолиддин Валидий (1887-1938), Олимжон Иброҳимов ва Абдурахмон Саъдий.

## RIZOUDDIN IBN FAXRIDDIN'S SOCIAL AND EDUCATIONAL ACTIVITY

Gulnozakhon Muhammad kizi Alijonova

Doctoral student of International Islamic Academy of Uzbekistan

[gulnozaalijonova002@gmail.com](mailto:gulnozaalijonova002@gmail.com)

### ABSTRACT

This article discusses the scientific and creative heritage of Rizouddin ibn Fakhriddin, the study of his work by foreign and Uzbek researchers, the role of socio-enlightenment views of the scientist in the late nineteenth and early twentieth centuries in Russia, including Turkestan.

**Keywords:** Rizouddin ibn Fakhriddin, “Shura” magazine, Jamoliddin Validi (1887-1938), Olimjon Ibrahimov and Abdurahmon Saadi.

### КИРИШ

Ризоуддин ибн Фахриддин (1859-1936) татар халқининг атоқли сиймоларидан бўлмиш Шаҳобиддин Маржоний, Қаюм Носирий, Аёз Исҳоқий, Фотиҳ Каримий, Аҳмад Исҳоқий, Мусо Жоруллоҳ Бегиев, Суннатуллоҳ Бекпўлат ўғли, Фотиҳ Амирхон каби зиёлилар қаторида, XIX аср охири XX аср бошида, халқнинг кўзини очиш, онг-у тафаккурини турли хил бидъат ва хурофотлардан тозаллаган ҳолда одамларнинг тафаккур даражасини юксалтириш борасида чинакам фидойилик наъмунасини кўрсатдилар.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ризоуддин ибн Фахриддин шахсияти ва илмий-ижодий фаолияти кенг миқёсли бўлиб, у бир вақтнинг ўзида тарихчи, манбашунос олим, исломий илмлар билимдони, педагог, таржимон, файласуф ва муҳаддис олим эди. Шу боисдан ҳам унинг илмий-ижодий фаолияти билан жуда кўплаб тадқиқотчилар жиддий қизиқиб келган. Жумладан Зуффер Касими, Абдулкайюм Бехмани, Фатих Карими, Аяз Ишаки, Али Раҳим Азиз Убайдуллин, Зариф Башири, Жамолиддин Валади, Закир ал-Қодири, Меҳмет Гўрмез, А. Баттал Таймас, Муҳаммад Гайнуллин, Вели Аҳмет Ҳаким, М.Ф. Раҳимкулова, Надир Давлет, Фарид Шукуров, Исмоил Рамиев, Раиф Мардонов, Аброр Каримуллин, Акдес Нимет Курат, Ринат Кҳазиев, Бунямин Эрул ва бошқа бир қатор олимлар Ризоуддин ибн Фахриддиннинг илмий-ижодий фаолияти хусусан ҳадисшунослик соҳасида амалга оширган ишлари ҳақида тадқиқотлар олиб борган.

Ризоуддин ибн Фахриддин ижтимоий-маърифий қарашларини ўзи муҳаррирлик қилган “Шўро” журнали орқали бериб борган. Журналнинг илк сони 1908 йилнинг 10 январ куни чоп этилган. Ризоуддин ибн Фахриддин ушбу журналнинг ташкил этилишидаги маслак ва мақсадга тўхталиб куйидагиларни ёзади: “Ҳақ таолонинг ёдами ила ушбу “Шўро” мажмуасини ёзишга ва тартиб этишга киришдик. “Шўро”нинг маслаги эса кучи етганича Россия мусулмонларининг саодатлари учун хизмат қилишдан иборат бўлиб, мақсади эса ўқувчиларни рози этиш учун сабот ва ғайрат кўрсатишдан иборатдир. “Шўро” миллатни илмли, маърифатли этмоқ ҳақида машварат мажлиси бўлажакдир. Истаган кимса ушбу мажлисда сўйлайди, истаган кимса тинглайди. Шахсият ва арзлардан ҳоли бўлиш ва миллат, халқ манфаатларини ифодалаб ёзилган мақолалар учун журналнинг саҳифалари барчага очикдир. қоидаларга риоя қилинган ҳолда ёзилган танқидларни “Шўро қабул этади” [1].

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

“Шўро” журнали ўқувчиларга илк сонидан берилган ғояга содиқ қолди ва кейинги фаолиятида маслак ва мақсаддан бир қадам ҳам четга чиқмади. Замоннинг кучли адабий танқидчиси Жамолиддин Валидий (1887-1938) [2], Олимжон Иброҳимов ва Абдурахмон Саъдий журнал ҳақида ўзининг илиқ фикрларини айтиб ўтишган. Журналнинг беш ёшга тўлиши муносабати билан “Вақт” газетасида мақола эълон қилган. Жумладан, Жамолиддин Валидий

“Шўро” журналининг татар халқи билан бир вақтда бутун туркий халқларга илм бобида катта маълумотларни тақдим этиб улкан фойда келтирганини таъкидлаган эди [3]. 1917 йилгача чиққан барча газета-журналларда “Шўро” журнали ҳақида юксак фикрлар билдирилган, хатто Петербург фанлар академиясининг махсус журнали бўлган “Мир ислама” (Ислом дунёси) журнали ҳам “Шўро” журналидан иқтибослар келтириб босар эди. Истанбулда чоп этилган “Турк юрти” журнали ҳам “Шўро” журналининг Россияда чиқадиган мусулмонларнинг энг яхши журнали сифатида эътироф этиб, Ризоуддин ибн Фахриддинни эса даврнинг энг катта дин олими сифатида эътироф этади [4].

“Шўро” журнали ҳар ойнинг биринчи ва ўн бешинчи куни чоп этиларди. Фақатгина 1917 йилда чоп этилган 23 ва 24 сонлар биргаликда чоп этилган. Журнал Ризоуддин ибн Фахриддин томонидан нашрга тайёрланган бўлсада дизайн ва ташқи кўриниши билан Зокир Рамиев шуғулланган. Ўша давр учун шакл, маъзмун ва дизайн жиҳатида “Шўро” журнали энг чиройли журнал сифатида мусулмонлар томонидан эътироф этилганди. Журнал 1913 йилдан эътиборан татарлар томонидан “Усмонли ҳарфлари” дея номланган алифбо асосида чоп этила бошланади [5].

Тадқиқотчи Ш. Соатова журналдаги материаллар 16 рукн доирасида эканлигини таъкидлаган бўлсада [6], биз томонимиздан охириги олиб борилган тадқиқотлар натижасида унда 10 та рукн борлиги ойдинлашди.

Жумладан рукнларнинг номлари куйидагича:

1 рукн. Машхур одамлар ва улуғ ҳодисалар деб номланган. Ушбу рукнда эски ва янги буюк одамларнинг таржимайи ҳоллари, мамлакатларнинг тарихи ва географияси хусусида баҳслар олиб борилган. Журналнинг 31 сониди бу бўлим ўрин олмаган қолган 209 сониди жами 163 та шахснинг таржимайи ҳоли ёритиб берилган. Шунингдек бу бўлимда жами 4 та давлат ҳақида мақолалар чоп этилган.

2 рукн. Мақолалар деб номланган. Бу рукнда адабий, тарихий, ижтимоий мақолалар чоп этилган. Журналнинг илк сонидан бошлаб бу бўлимда турли ҳил миллатларнинг адабиёт вакилларига ўрин берилган. Жумладан рус адабиёти вакилларида Пушкин, Ломоносов, Гогол, Толстой, Чехов, Горки каби машхурлар билан бир қаторда журналнинг 1909-1910 йиллардаги сонларида Чуваш туркларининг халқ оғзаки ижоди ҳақида маълумотлар ҳам берилган.

3 рукн. Тарбия ва таълим деб аталиб, бу рукнда ҳифзи сихат, тадбири манзил, таълим, мактаб ва мадраса, шогирдлар ва муаллимларга доир мақолалар келтирилган.

4 рукн. Кашфиёт ва ихтиро деб номланиб бу рукнда номидан ҳам кўриниб туринганидек тарих ва ҳозирги замонда юз берган кашфиётлар борасида сўз юритилган.

5 рукн. Маълумотлар деб аталиб, бу рукнда мамлакат ва хорижга оид хабарлар бериб борилган.

6 рукн. Тақриз ва танқид деб номланиб ушбу ўринда янги чиққан асарлар (китоб, рисола, газета ва журналлар) ҳақида маълумотлар берилиб тақризлар эълон қилинган.

7 рукн. Ижтимоий-сиёсий бу ўринда Россия ичида бўлган ижтимоий-сиёсий воқеалар ҳақида маълумотлар бериб борилган.

8 рукн. Савол-жавоблар номланиб номидан ҳам яққол кўриниб туриганидек бу қисмда ўзаро савол-жавоб асосидаги тушунтириш ва маълумотлар чоп этиб борилган.

9 рукн. Ҳикоя, шеърлар, латифа ва мақолалар.

10 рукнда эса турли ҳил эълонларга ўрин берилган эди.

Журналда жами 880 та муаллифнинг мақоласи босилган.

“Шўро” журнали биргина Идил-Урал минтақасида яшаган татар ва бошқирларга эмас, бутун турк дунёсига қараб ҳитоб қиларди. Бунинг биринчи аломати мақола муаллифларининг фикр юритиш тарзининг чуқурлиги бўлса, иккинчиси журнал географик ҳудудининг анча кенглиги эди. Чунки журнал татар ва бошқирлардан ташқари озарлар, қозоқлар ва ўзбеклар орасида ҳам катта қизиқиш билан ўқилар эди. Чунки унинг тили на татарча ва на туркча эди. Яни журналнинг тили бутун турк дунёси тушунадиган бир тил эди [7]. Зеро журналнинг турли ҳил сонларида турк, озар, қозоқ, уйғур ва ўзбек муаллифлари томонидан ёзилган 150 дан ортиқ мақола чоп этилган эди. Қозоқ ва ўзбек олимлари “Шўро” журналининг туркий халқларнинг адабий ва маданий жиҳатдан тараққий этишдаги ўрни юксак баҳолашган эди [8].

Шунингдек, журналда Туркистон минтақа халқлари ҳаётига оид кўплаб мақолалар чоп этилган. Шунингдек Ризоуддин ибн Фахриддиннинг ўзи Туркистон заминидан етишиб чиққан алломалар ҳақида ҳам “Шўро” журналида мақолалар эълон қилиб борган. Тадқиқотчи Ш. Соатованинг аниқлашича “Шўро” журналининг 10 йил давомида чиққан 240 сонидан Туркистон ҳаётига оид 323 материал босилган. Шундан мақолалар (138 та), хатлар (90 та), бадиий асарлар (71та), хабарлар (21та), фотосуратлар (3 та), мақолалар тарих (38 та), таълим-тарбия (25 та), ижтимоийёт (23 та), дин (4 та), сиёсат (6 та), матбуот (13 та), адабиётшунослик (12 та) кабиларни қамраб олган” [9].

Масалан олим Алишер Навоий ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Алишер туркий бўлгани ҳолда форсча шеърлар ҳам ёза оларди. Туркий адабиётга шу зот асос солди десак ўйлаймизки муболага қилмаган бўламиз. Бу кишидан олдин туркий тилда асарлар яратган адиб бўлмагани маълумдир. Алишер ёлғиз шоир эмас эди. У шоир бўлиш билан бир пайтда ҳоким ва файласуф ҳам эди. Форсча сўзлай ва ёза олиш иқтидори бўлсада она тили бўлмиш туркий тилга нисбатан муҳаббати чексиз эди” [10].

### ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса қилиб айтганда, энциклопедик билим эгаси, руҳий-ижтимоий ҳаётнинг турли тармоқлари ҳақида қалам тебратган Ризоуддин ибн Фахриддин XIX аср охири XX аср бошларидаги нафақат татар балки бутун мусулмон турк халқларининг адабиёти, ижтимоий фикр тараққиётига улкан ҳисса қўшди. Унинг номи фақатгина Қозон, Оренбург, Туркистон шаҳар ва минтақаларида таниқли бўлмай балки узоқ хорижий мамлакатларга ҳам ёйилган эди. Шу боисдан ҳам Ризоуддин ибн Фахриддиннинг ижтимоий-маърифий фаолиятини чуқур ўрганиш ва бу борадаги тадқиқотларни жадаллаштириш биз XX аср бошларидаги Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий манзарасига бошқа ракурсдан қараб баҳо беришга эриштиради.

### REFERENCES

1. Ризоуддин ибн Фахриддин. Маслак ва мақсад. Шўро журнали. Оренбург.: 1908 йил 1-сон. – Б. 1.
2. Жамолиддин Валадий, ўз даврининг энг катта татар адабий танқидчиларидан бири.
3. Жамолиддин Валидий. Яна газета ва журналлар. Вақт газетаси. 1913 йил 6 феврал сони.
4. “Sho’ro”. Turk yurdu. Sayi 1. 1913.
5. Исмоил Рамиев. Вақитли татар матбуати. Казан.: 1926. – Б. 44.
6. Қосимов Б. Миллий уйғониш. Т.: “Маънавият”. - Б. 55.
7. Akdes Nimet Kurat. Rusya turklerinin medeni uyanish devri. Ankara.: 1969. – S. 168.
8. Рауф Мардонов. “Шўро” журнали. Асрлар овози. 1999. 1-2-сонлар. - Б. 239.
9. Б. Қосимов. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидоийлик. Т.: “Маънавият”. Б. 56.
10. “Шўро” журнали. Оренбург.: 1909 йил. 17 сон. - Б. 514.